Государственная палата УзССР

"ЧУСТ", "ЧАМАНДА ГУЛ" ВА БОШҚАЛАР

Ўзбекистон Давлат санъат музейида миллий дўппилардан бир неча хили сақланмоқда. "Чуст", "Марғилон", "Фарғонача", "Қўқон" каби дўппилар, водийга хос "Ой нусха", "Қалампир нусха", "Чамандагул", "Тоҳир ва Зуҳра" деб номланган, қадимда кийилган дўппилар нусхаси билан танишиш мумкин. Ўзбекистонликлар узоқ йиллардан бери дўппилари билан ўзига хос миллийликни намойиш этиб келмоқдалар. Бугунга келиб дўппиларимиз чет элликлар учун ҳам ажойиб совға бўлиб турибди.

Феруза АБДУРАҲИМОВА.

ФЕСТИВАЛЬ УЧУН СОВРИНЛАР

Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари"халқаро мусиқа фестивали республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлиши кутилмоқда. Ташкилий қўмита бу обрўли кўрик ғолиблари учун мукофотлар таъсис этди. Гран При соврини 10 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланди. Иккита I-мукофот 5 минг, иккита 2-мукофот 3500, учта 3-мукофот 2 минг доллардан иборат. Бундан ташқари уюшмалар, жамғармалар ва ташкилотлар ҳам ўз совринларини таъсис этиши кутилмоқда.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛ ОЙИ ЯН

22 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР ИЮЛЬ

ЎҚУВЧИЛИК ЛИБОСИ

Янги ўқув йилидан бошлаб Наманган вилояти мактаблари ўқувчилари мустақил мамлакатимиз маънавиятига хос янгича услубда кийинадилар. Ҳозир вилоят ҳунар-техника билим юртларида янгича кийим-кечаклар тикилмоқда. Наманган вилоятида давлат бюджетидан 4 минг ўринли 8 та мактаб қурилиши олиб борилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб вилоятдаги 653 та ўрта мактабда 410 минг ўқувчи таълим олишга киришади. 6 ёшли болалардан 12 минг нафарини боғчаларнинг махсус синфларида ўқитиш жорий этилади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАРҚАТИЛМОҚДА

Жанубий Орол бўйидаги қорақалпоқ аҳолисига халқаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда. Яқинда АҚШдан инсонпарварлик мадади келган эди. "Дори-дармон" давлат ҳиссадорлик бирлашмасида ана шу инъомни касалхоналарга тақсимлаб бериш маросими бўлиб ўтди. Жами 2,5 миллион долларлик ёрдам 8 та шифохона, ҳамда I-ва 2-республика касалхоналарига етказиб берилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 22 июль, сешанба № 85 (22.169).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1993 йил 21 июль — ***Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.***

✓ 1994 йил 23 июль — ***Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонига мувофиқ ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институти негизида юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этилсин. Унинг тузилмаси, устави тасдиқлансин.

2. Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарияти директор ва унинг икки ўринбосаридан иборат таркибда тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юристлар малакасини ошириш марказида:

— адлия, суд, прокуратура, адвокатура ҳамда ҳокимият идоралари, мулкчилик шаклидан катъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматининг олий маълумотли ходимлари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари 3 ойлик курсда қайта тайёрланадилар ва малака оширадилар;

— ёш мутахассислар ва раҳбарлик лавозимига заҳирага олинган ходимлар 6 ойлик курсда ўқитиладилар;

— маълум тоифа кадрлар учун қисқа муддатли ўқишлар ташкил қилинади;

— ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва уларнинг иш жойига тавсифнома берилади;

— ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилади;

— ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқалар амалга оширилади;

— ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, уларнинг савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

4. Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари ва лавозимлари сақланиб қолинади. Жойлардан келган тингловчиларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ суткалик, ўқиш манзилига келиш ва қайтиб кетиш харажатлари тўланади, шунингдек улар ётоқхона билан таъминланадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур марказда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Марказнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига республиканинг олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, бошқа ходимларга эса давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларига мувофиқ тариф ставкалари белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказига шу йўналишдаги хорижий ва халқаро институтлар, ташкилотлар билан алоқаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

1998 йилдан бошлаб ҳар йили марказнинг буюртмасига мувофиқ хорижий мутахассисларни ишга таклиф этиш, марказ ходимларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши, шунингдек, даврий нашрларга обуна бўлишлари, хорижда чиқариладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан олишлари учун, шу жумладан эркин алмаштириладиган валюталарда:

— марказни асбоб-ускуналар, офис мебели, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозлаш ва транспорт воситалари олиш учун;

— марказнинг фаолият кўрсатиши, шу жумладан мазкур қарор шартларига мувофиқ иш ҳақи, бино ва иншоотларни жиҳозлаш ҳамда капитал таъмирлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий асарлар нашр эттириш учун тақдим қилинган ҳисоб-китобларга кўра зарур маблағлар ажратиш топширилсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимияти 2 ой муддатда республика юристлар малакасини ошириш марказига зарур бино ажратиб, ўқув жараёни ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги белгиланган тартибда марказни замонавий алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 18-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 21 июль.

Ўзгаришлар шабадаси

БАЙРАМОЛДИ ТУҲФАСИ

ГУЛИСТОН. Мустақиллик кўчасида супермаркет мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу, ҳозирча вилоятдаги дастлабки замонавий савдо кошонасидир. Республикамиз Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилган мазкур савдо мажмуаси «Наби» хусусий фирмаси ҳамда «Сирдарёсавдо» ишлаб чиқариш концерни билан ҳамкорликда барпо этилди. Унга 60 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Сотувдаги молларнинг хилма-хиллиги, сифати ва арзонлиги билан супермаркет харидорлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Янги савдо мажмуасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов ҳамда Сирдарё вилояти ҳокими Ў. Исмоилов иштирок этди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

НОЁБ АСАРЛАР

Мамлакатимиз Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма асарлари ўз қиммати билан чинакам дурдоналардир. Ўрта асрларда битилган 15 минг қўлёзма китоблар турли тилларда ҳар хил соҳаларга бағишланган. Институтда тайёрланиши лозим бўлган беш жилдли каталогнинг биринчиси нашр этилди. Шарқшунос олимлар эллик қўлёзма асарни нашр этиш учун ҳозирлашган.

Умматали ТЎРАХОНОВ.

Мулоҳаза

СУРНАЙ НОЛАСИ

Болалигимда бувим раҳматликдан эшитганларимнинг мағзига энди-энди тушуняпман. У киши ниҳоятда маърифатли, иродаси мустаҳкам, меҳнаткаш аёл эдилар. Ўзлари ўғил кўрмаганлиги учун набиралари орасидаги ўғиллардан каттаси — каминани жуда яхши кўрардилар. Ёнларида олиб ўтириб турли ҳангомалар, хотиротларини ҳикоя қилиб берардилар. Ҳаммасини ҳам англаб етмасам-да, қунт билан эшитардим. Баъзида болалигимга бориб, ойи, ошириб юбормаяпсизми, жуда ҳам бунчаликмасдир, дердим. Ҳақиқатан ҳам айтганларининг бир хилларига кишининг ишонгиси келмасди. Масалан, мана буниси.

Бувим ҳикоя қилишларича, оналари тошкентлик катта бой Усмонҳожибойнинг қизлари бўлган экан. Усмонҳожибойнинг шаҳарда катта қўрғони, қўрғоннинг иккита катта дарвозаси бўлиб, ўзлари извошда юрар эканлар. Извош қўрғоннинг бирон дарвозаси олдида тўхтаганда хизматкорлар ичкари томон поёндоз ёзиб кетаркан. У киши поёндоздан юриб ҳовлига кирарканлар. Бошқа икки хизматкор эса поёндозни йиғиб бораркан. Буваларининг бойлиги шуқадар бўлган эканки, бувимларнинг айтишларича, ёстиқдай тиллалари бўларкан. Кейинчалик бу бойликнинг маълум бир қисми бувимларнинг оналарига сеп ўрнида теккан. Оналари муллага турмушга чиққанлари сабаблимикан, хуллас, бу бойликни кўпайтириш иложи бўлмаган экан. Шунга қарамай, бувимлар ҳунармандлар оиласига тушганларида ҳам бувимларнинг тилла қошлари, тилла балдоқлари, яна қандайдир қимматли тақинчоқлари бўлган экан. Мен ҳазиллашиб, ойи, қани ўша тилла балдоқлар ё алдаяпсизми, деб сўрардим. Шунда куюниб бувим, нега алдайман, болам, бўлган гаплар, фақат ўша тақинчоқларнинг бир қисмини 30-йиллардаги қаҳатчиликда, бир қисмини уруш пайтида давлатга (қандайдир пунктга) топшириб жон сақлаганмиз. Сен билмайсан, ўша йиллари жуда оғир бўлган. Одамлар очликдан шишиб кўчакўйда ўлиб қоларди. Кейин уларни Қўқон аравага саржиндек тахлаб олиб кетарди. Биз кўрдик, сенлар кўрмаларинг, болам, дердилар. Ҳақиқатан ҳам энди билсам, колхозлаштириш сиёсатини амалга ошириш ниятида Москва сунъий равишда ташкил қилган қаҳатчилик халқимизнинг бор-йўғини шилиб олган экан. Очликдан ўлган миллионлаб кишилар-чи?!

... Хуллас, айнан қирчиллама 40 ёшларида оғир дардга мубтало бўлган Усмонҳожибой куни битганини сезиб яқинларига шундай деган экан: шунча бойлигим бор. Турт хотин, улардан тарқаган кўзим қароси — фарзандларим бор. Бу ёруғ дунёдан кўз юмиш менга оғир. Жон бераётганда қийналаман. Фалон сурнайчини топдириб келинглар. Сурнай чалиб турсин тепамда, унинг ноласида жон беришим осон булади.

Бойнинг илтимосини қондириб сурнайчини топдириб келибдилар. Сурнай нола қила бошлабди. Усмонҳожибойнинг жони чиқиши билан сурнайни тухтатибдилар. Аза бошланибди. Жўйлари жаннатда бўлгур бувимнинг ушбу қиссаларини эшитганимда ишонгим келмаганди. Шу сабабдан ҳам берган саволимга бувимлар, кейин тушунасан, болам, кейин, деганлари ҳамон ёдимда. Аниқроғи, мазкур воқеа куни кеча хотиримда яна тикланди.

Хоҳ умумий транспорт, хоҳ енгил машинада бўлсин, шаҳримиз кўчалари бўйлаб юраркансиз, кишининг кўзи қувонади. Ҳамма ёқда иш қизғин. Қурилиш кетидан қурилиш. Шаҳримиз тўйга тайёрланаётган ҳовлига ўхшайди. Кўчаларимиз, турли-туман бинолар чирой очмоқда. Шу билан бирга баъзан шундай нарсаларнинг ҳам гувоҳи бўласанки, уларни кўриб, лоқайдсизликдан дилингиз оғрийди. Масалан, шу кунларда «Чорсу» меҳмонхонасидан Хадра томон, ундан ўнга — Халқлар дўстлиги майдонига қараб йўлнинг ўнг тарафидаги жойлар қайтадан қурилмоқда. Эски, режасиз, бесўнақай биноча-лар, дўконлар ўрнига замонавий ва миллий услубда иморатлар қад кўтаряпти. Бу яхши албатта. Аммо эзгу ниятда амалга оширилаётган ишлар «тўполони»да илгариги, шу ерлар билан боғлиқ қадриятлар йўққа чиқмаслиги ҳам керак. Чунончи, I-дорихона рўпарасида дарахтлар тагидаги ўриндиқларда эскидан бир давра йиғилади. Бу карнай-сурнайчи, чилдирмакашлар — тўйу базм, бешик тўйларимиз чиройи ва безаги бўлмиш миллий санъатимизнинг энг қадимги намояндаларидир. Албатта, уларга ҳеч қачон кимдир айнан шу ерга йиғилиб ўтиринглар, сизларнинг бозорингиз шу жойда деб айтмаган. Бироқ қандайдир сабаблар бўлиб мазкур жой уларники бўлиб қолган. Тўй қиладиганлар тўғри шу ерга тушиб келаверадилар. Чунки қишин-ёзин у ерда албатта карнай-сурнай бозори тухтамайди. Энди эса у ер бузиляпти. Очиғини айтсам, уларнинг қурилиш харобалари ўрнида кимдир ғишт, кимдир тўнка устида, кимдир офтобда тарқалиб ётирганларини кўриб кўнглим ранжиди. Улар менга уйи бузилган қалдирғочнинг пештоқ узра гирдикапалак бўлаётган ҳолатини эслатдилар. Гўёки оддийгина узун ёғоч ўриндиқлар бузилиши, соя-салқин дарахтлар қўпорилиши билан миллий-тарихий анъаналаримиз учоғи бузилгандай бўлиб кўринди. Гўёки карнай-сурнайчиларимиз ноласини эшиттандай бўлдим. Ваҳоланки, ўша ерларни тиклаш лойиҳасини тузаётганда мазкур анъанавий давра учун бироз эътибор бериб, уларнинг ўзига хос бир иморат, масалан чойхонами, режалаштириб, қурилаётган бинолар билан уйғунлаштириб юборилса бўларди-ку. Тўғри, бундай масканни бошқа ерда қуриш мумкин. Лекин, ўша жойга бўлган ҳурмат-чи, ахир у тарихий маскан эмасми. У ерда карнай-сурнайчиларнинг неча-неча авлоди ўтган экан? Яна қанчаси олдинда турибди.

Бродвей, Арбат ва шунга ўхшашларни эшитганимизда киши билмас миллий-тарихий анъаналарнинг ушбу хорижий андозаларига ҳавас билан қараймиз. Аммо ўзимиз...

Мен бу масаланинг тагига етиш ниятида «Ўзбекнаво» раҳбарлари билан боғланганимда шу нарса маълум бўлдики, I-дорихона рўпарасидаги «давра» қонунийлаштирилмаган экан. Яъни улар бирон ташкилотга уюшмаган, солиқ тўламас эканлар. Тўғри, ҳуқуқий жамиятда масаланинг бу томони ҳам муҳим. Бироқ, бизнингча, айни шу кунларда гап миллий анъана, тарихий масканни сақлаб қолишдан иборат. Масаланинг қонунийлашишини ҳам айнан худди шу нуқтаи назардан ҳал қилмоқ мақсадга мувофиқ деб билмоқ лозим. Акс ҳолда солиқ сўзини эшиттан карнай-сурнайчилар уй-уйига тарқаб кетиши ҳеч гапмас. Аввал уларга ўзларига мос бир маскан қуриб, шароит яратиб, ундан кейин олиқ-солиқдан сўз очилса, бу олиқ-солиқ рамзий бўлиши уқдирилса, энг муҳими миллий қадриятларни сақлаб колишликлиги тушунтирилса, аминмизки, бундан ҳамма ютади. Жумладан келажак ҳам. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, «халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғликдир».

Шерзод ЗИЁКОР.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Бундан роппароса беш йил аввал, яъни 1992 йилнинг 21 июлида Россия ва Молдова Президентлари Москвада Днестрбўйи ҳудудидаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал этиш йўллари ҳақида келишиб олишган эди. Ўтган беш йил ичида Кишинев билан Тирасполь ўртасида бирмунча музокаралар ўтказилди. Айни пайтда Молдова Республикаси ва Днестрбўйи ўртасидаги муносабатлар бир маромда давом этмоқда.***

***

☑ ***Кеча Брюссель шаҳридаги Сарой майдонида Бельгиянинг миллий байрами — қиролнинг қасамёд қилган куни шарафига ҳарбий намойиш бўлиб ўтди. Бу ҳарбийларнинг кўпчилик қисми БМТ томонидан шарқий Славонияга жойлаштирилган халқаро қўшинларнинг аъзоларидир.***

***

☑ ***Сеул шаҳрида ҳукмрон янги Корея партиясининг съезди бошланди. Анжуман давомида келгуси йилнинг декабрь ойида бўладиган Президент сайловларига ушбу партиядан номзод кўрсатилиши керак. Президентликка номзодликка кўрсатилган 7 кишидан бири — Ли Хве Чаннинг имкониятлари кўпроқ, деб ҳисобланмоқда.***

***

☑ ***Чеченистоннинг Ведено қишлоғида имом Шомил туғилган куннинг 200 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ведено — бу собиқ Шомил имоматининг тарихий пойтахти бўлиб, у ҳукмронлик қилган даврларда қалъага айлантирилганди. Байрам куни 2000 дан зиёд милиция ходимлари меҳмонларнинг ва байрам тантаналари иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаб турди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 22 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	48,99	1 Норвегия кронаси	8,96
1 Австрия шиллинги	5,26	1 Польша злотийси	19,02
1 Англия фунт стерлинги	110,83	10 Португалия эскудоси	3,66
10 Бельгия франки	17,91	1 Сингапур доллари	45,14
1 Голландия гульдени	32,85	1000 Туркия лираси	0,43
10 Греция драхмаси	2,36	1 Финляндия маркаси	12,49
1 Дания кронаси	9,71	1 Франция франки	10,94
1 БАА дирхами	18,00	1 Швеция кронаси	8,51
1 АҚШ доллари	66,09	1 Швейцария франки	44,88
1 Миср фунти	19,50	1 ЭКЮ	72,94
1 Ирландия фунти	99,33	10 Жанубий Корея вони	0,74
1 Исландия кронаси	0,93	10 Япония иенаси	5,72
10 Испания песети	4,39	1000 Россия рубли	11,42
100 Италия лираси	3,80	1 Украина гривнаси	35,59
1 Канада доллари	48,10	1000 Белорусь рубли	2,44
1 Хитой юани	7,97	1 Эстония кронаси	5,21
1 Қувайт динори	217,90	1 Латвия лати	113,75
100 Ливан фунти	4,31	1 Литва лити	16,52
1 Малайзия ринггити	25,09	1 Қозоғистон тенгеси	0,87
1 Германия маркаси	36,98	1 Қирғизистон соми	3,83

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

«ЎзТОНГ-ХОНГ КО» — ИСТИҚЛОЛНИНГ НУРЛИ ТИМСОЛИ

Истиқболли одимлар

Андижондаги замонавий автомобилларнинг ўриндиқларини тайёрловчи бу қўшма корхона «УзДЭУавто»нинг доимий ҳамкори бўлиб қолди. «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари учун йилига 200 минг комплект ўриндиқ тайёрлаш жамоанинг эзгу режасига айланди.

Янгиликнинг шарофати етти иқлимга етди. Марказий Осиёдаги муъжиза деб таърифланган «УзДЭУавто» фаолият кўрсатиши, автомобилсозлик гиганти ҳамкорлари бўлган қўшма корхоналарнинг ишга тушиши қувончимизга қувонч қўшяпти. «УзТонг-Хонг КО» қўшма корхонасига қадам қўйганимда қалбимни шундай хушнудлик чулғади. Бу ерда бизни «УзТонг-Хонг КО» директори Муҳсин Юнусов хушкаллуфлик билан ишлаб чиқариш жабҳаларига таклиф этди. Йул-йулакай корхона тўғрисида тасаввур берувчи фикрларини билдирди.

Таъсисчилари Жанубий Кореянинг «Тонг Хонг электрик ЛТД» компанияси билан «Узавтосаноат» уюшмаси бўлган «Андижанирмаш» заводи ҳудудида бунёд қилинган «УзТонг-Хонг КО» 1997 йил бошидан буён маҳсулот бермоқда. Ҳозиргача «УзДЭУавто»нинг «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари учун салкам 40 минг комплект ўриндиқ етказиб берилди.

Қўшма корхона қурилиши қисқа фурсатда амалга оширилди. Япония, Германия мамлакатларидаги энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилди. 250 нафар ишчи мутахассис Жанубий Кореяда малака ошириб қайтди. Айни чоғда жамоада меҳнат қилаётганларнинг сони 400 кишига етди. Уларнинг тиришқоқлиги жаҳон андозаларидаги замонавий дастгоҳлар билан муомала қилишда аниқ билинятти.

Қўшма корхона цехлари ҳудди ҳар соатда супуриб-сидирилиб турганга ўхшайди. Атроф топ-тоза, тартибли, шовқин йўқ. Осойишталик ҳукмрон. Ҳамма ҳаракатда.

Учта ишлаб чиқариш участкасидан иборат пайвандлаш цехида «УзТонг-Хонг КО» маҳсулотларининг металл бириқмалари ясалади. Нуқтали, роботлаштирилган, газ муҳитидаги пайвандлаш участкаларида ўриндиқларнинг металл қисмлари таркиб топади. Автомобилларнинг маркасига мослаб ўриндиқлар бичилади. Илҳомжон Зокиров, Маҳамаджон Боқиев, Нодиржон Усмонов ва уларнинг тенгдошлари ишлов берган металл ўриндиқ ўзаклари сифати юқори баҳоланяпти.

Пайвандлаш цехига туташ (полиуретан) юмшоқ ёстиқлар ишлаб чиқарувчи линияни бир маромда ҳаракатланиши ҳавас қиларли. Бу линия Жанубий Кореяда тайёрлангани ва замонавийлиги билан алоҳида таърифга лойиқ. Уни бошқариш қурилмалари — роботлар Германияда ишлаб чиқарилгани учун ҳам аниқлик асосида фаолият кўрсатмоқда. Менежер асистенти Аҳмаджон Ортиқов, муҳандис Таваккал Юсупов бошчилигида Азизбек Алимқулов, Анваржон Фозилов, Ботиржон Бойбобоевлар узун линия қолипларига қуюлган юмшоқ ёстиқчаларнинг бежирим бўлишини таъминлаяптилар. Линия маҳсулотдан бўшаган қолиплари тез созланиб, сим «қовурға»лар билан тўлдирилмоқда. Линиядаги иш жараёни узлуксиз давом этиши кунлик натижа юқори бўлишини кафолатлайди.

Пардозланган қисмлар кейинги иш жойларида яхлит ўриндиқ сифатида йиғилади. Тайёр маҳсулотларга полиэтилен ғилоф кийгизилганида қуркамлилиги янада ошади. Мамлакатимиз истиқлолга эришгунича бундай замонавий дастгоҳлар билан ишлаш у ёқда турсин, кўришни ҳам хаёлига келтирмаган ҳамюрт йигитларнинг руҳлари кўтаринки.

Ишлаб чиқариш майдонидаги кўргазмага кўзим тушди. Бу ерда барча ишловчиларнинг исми фамилияси чиройли варақачага ёзилганди.

— Ҳар биримиз иш боши ва сўнгида исми-фамилиямиз ёзилган қоғоз варақачаларни автоматлаштирилган ҳисоб қурилмасидан ўтказамиз, — дейди «УзТонг-Хонг КО» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш департаменти менежери Сайдулло Ҳакимов. — Шунда ҳар кимнинг иш вақтини қурилма аниқ акс эттиради.

Оддийгина қуринган бу ҳолат корхонада қарор топаётган ишлаб чиқариш маданиятидан далолат беради.

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган ёш йигитлардан «УзТонг-Хонг КО» атамасининг маъносини сўраганимда «тонг нури» деб таърифлашди. Зеро, жамоанинг номию фаолияти истиқлолнинг нурли тонгига ҳамоҳанглиги кўнгилларни шодлантиради.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАСЛАК ВА МАҚСАД БИРЛИГИ

Партиядошлар ҳаёти

Халқ таълимини ислоҳ қилиш давр талаби. Бу борада илгари ҳам бир қанча шакл ва тизимлар қўлланилган.

Лекин кадрлар тайёрлаш масаласида таълим-тарбия тизимида замон талабига жавоб берадиган ўзгаришлар сезилмаятти.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов: «...таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас», — деган эди. Дарҳақиқат, кадрларни тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида ислоҳотларни ўтказиш — бу мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш учун қўйилаётган дастлабки қадамдир. Шундай экан, мактабларимизда, ўқув даргоҳларимизда янги тизимга хос моддий-техника базасини яратиш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савиясини замон талабларига жавоб берадиган даражага етказиш керак.

Шаҳар партия кенгашида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари котибларининг амалий семинарлари ўтказилиб, бу борада қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Бюро йиғилишларида ўқув юртларининг таълим ва тарбия соҳасидаги ишларни яхшилашда партия ташкилотларининг фаолиятини ошириш масалалари доимий равишда муҳокама қилиниб борилмоқда.

Шаҳар партия кенгаши ўқув муассасаларини, мактаб ва боғчаларни оталиққа олган. Биз ўзимизнинг диққат-эътиборимизни, партиявий таъсиримизни педагогик жамоаларда ошириш мақсадида халқ таълими ходимларини маҳаллалар қошидаги бошланғич партия ташкилотларига бирлаштирдик. Аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ўқитувчилар катта тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бугунги кунда партиямиз сафларининг 215 нафарини ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари ташкил қилади. Барча маҳалла қўмиталари қошида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузилган. Айрим ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг котиблари ўқитувчилар, мактаб директорлари ва директор ўринбосарларидир. Бундан ташқари ўқув юртлари раҳбарларининг 90 фоизи партиямиз аъзосидир.

Партия ташкилотлари бошқа жамоатчилик ва тегишли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда мактаб, ўқув муассасаларини маҳаллалар тарбия учоғига айлантиришлари бўйича иш олиб бормоқдалар. Мактабларда бу ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар бор. Бу масалада халқ депутатлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Депутатларимиз сайлов участкаларида жойлашган мактаблар, ўқув муассасаларида бўлишиб, педагогик жамоаларга тарбиявий, хўжалик ишларида, айниқса, таъмирлаш ишларига мунтазам амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шаҳсни ҳар томонлама камол топтириш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш борасида шаҳар халқ таълими бўлими мудири, шаҳар партия кенгаши бюро аъзоси Т.Қувоновнинг хизмати беқиёс.

Шаҳарда ўсмирлар дастури ишлаб чиқилган. Ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ўқув муассасаларида «Жиноят, қонун, ёшлар» мавзусида учрашувлар, «Соғлом авлод учун», «Кеч», «Ғамхўрлик» ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирларни ўтказиш жараёнида мактабларда прокуратура, суд, милиция, шаҳар халқ таълими бўлими, соғлиқни сақлаш ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари қатнашмоқда. Шаҳар ҳокимияти томонидан «Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси» муаммоларига бағишланган конференцияда, маҳалла фуқаролар йиғини иши таҳлил этилганида шаҳар ҳокими Қ. Акбаров ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбия бўйича ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Шу мақсадда шаҳар касб-ҳунар лицейида тарбиявий ишларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Олиб борилаётган тарбиявий ишлар натижасида ўсмирлар ўртасида жиноят камайиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби шаҳар партия кенгаши ижроия бюросида, бошланғич партия ташкилотлари котиблари семинарида муҳокама қилиниб, аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида тарғибот қилиш бўйича тавсиялар берилди. Ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларига ёшлар ўртасида ушбу асарнинг моҳиятини тушунтириш, уларни ватанпарварлик, ўз халқига фидойи кишилар қилиб тарбиялаш, давлатимиз равнақи йўлида турган вазифаларни тўғри англаши борасида бу китобнинг катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириш қайд этилди.

Қ.ЮСУПАЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Гулистон шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

Музработлик фермер Раҳмон Олтибоев «командаси».

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

НИҚОБИ ЙИРТИЛГАН БОСҚИНЧИЛАР

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИИБ БОШЛИҒИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ МУҲАММАДЖОН АБДУФАТТОЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Истиқлол қулфидилимизни очган, саховат, меҳр-мурувват ришталари илдиз отиб бораётган бир пайтда айрим ҳамюрт ҳамюртиникига қурол билан кириб кўркитса, талончилик қилса...

— Афсуски, бу хил жиноятлар изига тушиш учраб турибди. Шу йил 9 апрель куни соат 23.30 лар чамасида Наманган шаҳар Ойдинкўл кўчаси 2-уйда яшовчи фуқаро Фазлиддин Отабоевнинг уйига юзига ниқоб кийиб, ўқ отар қурол билан уч номаълум шахс бостириб киради. Уй эгаси ҳушёрлик қилиб, уларни сезиб қолади. Жиноятчилар қочадилар. Улардан бирини ушлаб қолишга ҳаракат қилган Фазлиддинга темир таёқ билан жароҳат етказилган. Шошиб қолган босқинчилар қўшнининг ҳали тўла битмаган хонадонида қолдириб кетган ўқ отар қурол ва гилза далилий ашё сифатида изқуварларимизга қўл келди. Воқеа жойидаги бармоқ излари орқали ушбу жиноятга алоқадор, деб топилган икки фуқаро қўлга олинди.

24 апрель куни шаҳардаги Марғилон кўчасининг янги маҳалласида яшовчи Шаҳодат Абдуқодировникига бостириб кирган икки босқинчи эса юзига оқ матодан ниқоб тутган экан. Жиноятчилар «ташрифи»дан ғудаклар уйғониб кетган. Бақир-чақир бошланган. Шунда жиноятчилар болаларни «ўлдирамиз» деб кўркитиб, оналарини қўшни хонага судрашган. Шармандали ишга кўнмаган аёл бечорага тан жароҳати етказганлар. Ҳолсизланиб қолган жабрдийдани ташлаб, жуфтакни ростлаганлар. Қуруқ қайтмай жабрланувчининг 40 минг сўмлик молини олиб кетишган.

Тезкор ҳаракатлар орқали бу жиноят ҳам очилди.

Худди шу куни Норин тумани Хаққулобод шаҳрида ҳам босқинчилик жинояти содир этилган эди. Уни ҳам «иссиғида» фош этдик. Гумон қилинган шахслар хонадонидан топилган ашёвий далиллар асқотди.

— **Муҳаммаджон ака, бундай жиноятларни содир этаётганлар кимлар ўзи? Ва бу даражада тез қўлга олинаётганининг боиси нимада?**

— Мисол учун Наманган шаҳрида юз берган босқичиликларни содир этганларнинг аксарияти муқаддам судланган шахслар. Тавбасига таянмаганлар яна жиноятга қўл уришмоқда. Биз жазони ўтаб қайтганлар билан ишлайлик, уларни иш билан таъминлайлик, деймизу амалда бунга тўлақонли эришиб бўлмаяпти. Бундайлар кўп ҳолда яна жамоатчилик таъсиридан ташқарида қолаётганини, бу борада амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидламоқчиман.

Босқинчилик жиноятларининг тез очилаётганлигига келсак, халқимизга раҳмат. Маҳалла-кўй ҳушёр. Шовқин-сурон ҳаммани оёққа турғизади, деярли. Ҳамюртларимиз бизга бу борада фаол кўмак беришяпти. Қолаверса, бу хил жиноятларнинг сценарийси ўхшаш, изқуварларнинг малакаси етарли. Баҳоли қудрат қақшатқич зарбани ҳам бераяпмиз.

— **Шу йил 27 февралда Норинкапада содир бўлган қотиллик жинояти тафсилотига ойдинлик киритсангиз?**

— Норин тумани Норинкапа қишлоғи ҳудудидаги Қорадарёга қуюлувчи жойидан эркак кишининг жасади топилган эди. Тезкор ҳаракатлар натижасида жасад шахсини аниқладик. У Давлатобод тумани фуқароси, 5-кичик туман, 46-уй, 13-хонадонда яшаган, 1953 йилда туғилган Аминов Равил бўлиб чиқди.

Жиноят изларидан бориб, гумондор Норин туман Жўжа қишлоғилик, 25 ёшли Валижонов Зокиржонни ушладик. Зокиржон 1,5 йилдан бери ишсиз, оилали, икки фарзанди бор. Қисқаси, Зокир билан Равилнинг бир йилдан бери борди-келдиси бўлган. 24 февраль куни улфатлар яна топишишган. Икки шиша ароқ ва бир шиша винони сипқоришгандан кейин Равил сумкасини (аниқланишича сумкада 2 килограмм наша бўлган) йўқотган ва буни Зокирдан кўрган. Зокир эса уни ўлдирган. Айби исботланган З. Валижонов вилоят судининг ҳукми билан 18 йилга озодликдан маҳрум этилди.

— **Ҳуқуқий давлатда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслиги меъёр ҳисобланади. Вилоятда очилмай қолаётган жиноятлар бўйича ҳолат қандай?**

— Жиноятчиликка қарши кураш, содир этилаётганларини фош қилиш, адолатли жазога рўпара қилиш бизнинг биринчи галдаги бурчимиз, вазифамиздир. Шуни таъкидламоқчиманки, ўта оғир турдаги жиноятлар — қотиллик, босқинчилик, алоҳида гуруҳлар томонидан содир этилаётган жиноятларни очишда бошқармада тажрибали изқуварлардан иборат махсус гуруҳлар тузиб иш ташкил этишга одатландик. Буни қарангки, худди шу гуруҳларнинг саъй-ҳаракати билан 33 та очилмай қолган жиноят ҳам фош бўлди. Мақсадимиз бундай уюшқоқлик ва атрофлича ишлашни кейин ҳам изчил давом эттириш.

Таассуфки, яқин 10 фоиз жиноятлар очилмай қолаяпти. Булар асосан ҳайвон ва хонадон ўғрилигидир. Албатта, қонун бузилишининг катта-кичиги бўлмайди. Табиийки, қайсидир жиноят тури очилмаётган экан, бунга ҳали ички хизмат соҳасида билимимиз, малакамиз етарли эмас. Шу боис вилоят ички ишлар бошқармасининг билим ва тажриба жиҳатидан етук ходимларидан иборат махсус гуруҳ тузиб, ҳар бир шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида ҳафтада бир марта семинар машғулотлар ўтказишни йўлга қўйдик. Шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигига ҳам эътиборни оширдик.

Айни пайтда синовларни кучайтирдик. Ўтган беш ойда ўзларини салбий намоён қилган 30 нафарга яқин ходим ички ишлар хизматидан бўшатиб юборилди.

— **Муҳаммаджон ака, «миш-миш» ёмон-да. Баъзан юз берган жиноят ҳақида кўп бичиб-тўқишади. Бундай ваҳималарни олдини олиш мумкинми? Дейлик, ҳеч бўлмаса, умумий шамойилдаги ахборотни матбуотда ёритиб турилса-чи...**

— Тўғри, баъзан ўзимиз ҳам айрим жиноятлар ҳақида шунақа «миш-миш»дан иборат тафсилотларни эшитамиз-ки, ҳайратланмай иложи йўқ.

Вилоятда ҳозир бу борада муайян силжиш бор. Бошқарма вилоят телевидениеси ва газетаси орқали айрим умумий тафсилотларни бериш, баъзида халққа ёрдам сўраб турли мурожаатлар қилиш амалиётидан фойдаланяпти.

Фикримча «миш-миш»ларни келтириб чиқариши мумкин бўлган жиноятлар ҳақида матбуотда умумий тарздаги ахборотларни бериш мақсадга мувофиқ. Зеро бу аҳоли ўртасидаги ваҳималарга барҳам беради.

«Ўзбекистон овози»нинг мухбири Маҳмуджон ПАРПИЕВ суҳбатлашди.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ЯХШИЛАРДАН ЯХШИЛИК КУТИБ...

Ҳурматли таҳририят!

1959 йилда туғилганман. Туғма дард туфайли оёғимни босолмайман, ногиронман. Шу ёшга қадар менга туман ижтимоий таъминот бўлимидан на қўлтиқ таёқ, на ногиронлар араваси берилган. Шукрки, кекса ота-онам бор. Улар доимий кўмакдошим.

38 ёшимга қадар бирор марта имтиёзли дори-дармон ҳам олганим йўқ. Даволанишни гапирмасам ҳам бўлади. Ниҳоят «Ўзбекистон овози»га мурожаат қилаяпман. Газетанинг ҳам маънавий, ҳам иқтисодий чиқишлари орқали элдошларимизга елкадош бўлаётганидан хабарим бор. Зора, маҳалла оқсоқоллари, туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар инсофга келишса...

Ҳаёт шиддат билан ўтиб бораверади. Аммо шу ҳаётда ногиронларни эслаш, сўраб туриш савоб бўлса бордир, лекин... Хуллас, яхшилардан яхшиликни кутиб яшаяпман.

Поти ТЎЙЧИЕВА,
Қашқадарё вилояти Қамаши шаҳри Манғит маҳалласи.

РАИС БИЛАН ТИЛ ТОПИШИБДИ-Я

Ҳе йўқ, бе йўқ, биз яшаб, меҳнат қилаётган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Мирзахўжа қишлоғидаги 5-бригада дала шийпонининг арзонгаров сотилганлигини эшитиб, бригада аҳли чув тушиб қолди. Ахир биз пахтакорлар учун дала шийпони эрта баҳордан то кеч кузгача иккинчи уйимизга айланган эди-ку!? Яхшигина оромгоҳ, болали аёллар, жажжи фарзандларимизнинг дам олиш маскани эди-я.

Ачинарлиси, мавжуд 45 гектар майдонда ишлаётган сувчи ва дала заҳматкашлари учун бирдан-бир соя-салқин жой сотиб юборилди. Шу қишлоқлик, жамоа хўжалигида ишламайдиган тадбиркор Маъмуржон Ботиров раис билан қандай тил топишганига ҳеч ақлимиз етмаяпти.

Бундай дўппини бошдан олиб қарасак, дала шийпони бригада аҳлининг мулки экан. Қишлоғимиздаги собиқ бригадирлардан бири, нафақахўр Фозилжон ота Эрматов гапига қараганда, у 1966 йилда бригада ишчиларининг кучи билан ҳашар усулида қурилган. Ҳозирда бундай шийпонни анча-мунча пули бор одам ҳам қуролмайди. Аммо у сувтекин пулланганмиш. Маъмуржон ҳеч кимни шийпонга йўлатмаяпти.

Баҳром МИРАҲМЕДОВ,
Фарғона вилояти Учкўприк тумани.

«КВАС» ЙЎҚ, «МОРС» ЭСА БЕМАЗА

Ҳозир салқин ичимликлар турфа хил. Пулингиз бўлса ичаверинг. «Кока-кола», «Фанта» ва ҳоказо. Нархи ҳар ерда ҳар хил. Аниқ белгиланган нархни учратмайсиз.

Аммо мени кўпдан буён ўйлантирган нарса, негадир «Квас» ичимлиги йўқ бўлиб кетди. Уни ичиб ҳузур қиларди киши. Бунинг устига мавжуд «Морс» салқин ичимлигини қаердан бориб ичмайлик, илгариги мазаси йўқ. Наҳотки, бу борада ҳам «ишбилармонлик» қилинаётган бўлса...

Яна бир гап. Пойтахтдаги қайси газли сув сотилаётган нуқталарга бормайлик, ҳар бирида бир кишининг махсус кнопкаларни босиб сув беришини кузатамиз. Илгари жетон ташлаб ичиларди. Тугмачаларни босиб ўтирган сув сотувчилар 5 сўмдан пулни олиб чўнтакларига ураверади. Аниқ ҳисоб-китоби борми-йўқми, ёлғиз Оллоҳга аён. Масаланинг иккинчи томони, сотувчиларда махсус тоза кийимбош ҳам йўқ. Ҳолбуки, бугун пойтахтимизда минглаб хорижликлар юрибди. Улар бу каби иш услубларига ижобий баҳо бермайди-ку. Хуллас, бу борада ўйлаб, чора-тадбирлар кўрилса, дейман-да.

Эркин ТОШТЕМИРОВ,
Тошкент шаҳри.

Хатларни Эркин ЭСИРГАДИЕВ саралади

Инсон, ҳуқуқ ва жамият

«...ИШЛАШГА ИМКОН БЕРИНГ!..»

ёхуд бошлиққа нега тош отиляпти?

Дунёда ҳамма нарса бир-бирига ўхшаш яратилган: сув-осмонга,осмондарахтга, дарахт-инсонга... Фақат буни қалбдани ҳис эта билмоқ лозим. Қайсидир ёзувчи юракни оқ қоғозга ўхшатганини ўқиб, дастлаб ажабланганман. Тажрибам ошгач, «юрак буюриб, ақл кафиллигида битилмаган қоғоздан ёлғон ва айрича мақсадлар бўйлаб туради», деган фикрга келдим. Юрак монанд оқ қоғозга нималар битилмайди дейсиз. Буюк кашфиётлар, ошиқ тилаги, шу сингари ҳасад ва туҳмат ҳам...

Газетамизга Чироқчидан келган мактуб «даҳшат»га тўла эди. Тумандаги Карим Содиқов номли жамоа-ширкат хўжалиги жар ёқасида. Раҳбар Ибодулло Муродов сеялка ва тракторларни сотиб юборган. Қариндош-уруғларини бошига кўтармоқда. Чорва моллари «еб-битирилган». Мамлакатдаги юқори ташкилотлар, вилоят ва туман ҳокимлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи маҳкамаларга қанча шикоят ёзилгани билан чора кўрилмаяпти. Ошна-оғайничиликнинг тоши оғир келаяпти. Хуллас, шунга ўхшаш талаблар. Хатга тўрт киши имзо чеккан.

— Ишлаётганимга бир йилдан ошаяпти, — дейди Чироқчи туман ҳокими Мустафо Темиров. — Шу жойда туғилиб-ўсганман, шарт-шароитни яхши биламан. Чироқчи катта эл. Меҳнаткаш, танти, меҳмондўст. Биз туман фаоллари билан ҳамкорликда иқтисодни кўтариш, қишлоқларни обод қилиш дастурини қатъий амалга ошира бошладик. Ҳар бир қарич ер, техникани ҳисобга олдик, хўжасизликка чек қўйдик. Раҳбар кадрларга нисбатан талабчанликни оширдик. Ишни орқага тортадиган, ўз манфаатини устун қўядиган, аҳилликка путур етказадиган раҳбарлар ишончни оқлай олмайди. Бу йил ғалла ва пахта ҳосили яхши бўлади. Хўжасизликка барҳам берилиб, қатъий интизом жорий этилаётгани кимларгадир ёқмас экан, марҳамат ёзаверишсин. Туҳматдан, пўписадан қўрқиб ишлаш мумкин эмас. Биттаси «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Саттор Бойқувватов устидан тинмай шикоят ёғдираяпти. Оддий деҳқондан чиққан яхши раҳбар. Текширишди, суд оқлади. Газетангизга шикоят ёзганлардан бири Парда Хушназаров юртбошимизга телеграмма, турли ташкилотларга хат жўнатди. Текширилганда, тасдиғини топмади. Биласизми, шикоятчи кимдан ранг олаяпти? Буни уюштириб, натижасини пинҳона кутиб юрганлар бор. Ҳуқуқий давлат қуряпмиз, ҳуқуқий маданият ривож топиши шарт-шароитларини яратаяпмизми, ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб бериши керак. Туҳмат ва ҳасаднинг илдизига болта урилмаса, ишимизга, тараққиётга халақит беради. Энг муҳими — туҳматчилар тегирмонига қуйилган сув софдил одамлар қалбидаги адолатга бўлган ташналикни учиради. Бунга эса асло йўл қўйиш мумкин эмас...

Чироқчидан йўлга чиққан мактублар... Улар кўп ва хилма-хил. Туман ҳокимлиги умумий бўлими мудири Хидирназар Қаҳрамоновнинг шаҳодат беришича, ўтган йили юқори ташкилотларга жўнатилган 86 та хат қайд этилган экан. Шу йил ўтган ойлари оралиғида туман ҳокимлигига келган 93 та шикоятдан 32 таси раҳбар ходимлар тутуми ҳақида. Улар қайта-қайта текширилган, тушунтирилган ва айримлари қаноатлантирилган. Ҳамма даврларда масъулият ишбошилар зиммасига тушган. Ривожланиш, одамлар ташвиши ҳам улар билан бирга. Оқил, адолатли раҳбарни одамлар олқишлайди. Кимки ноҳақликка йўл қўйган бўлса, элнинг нафратига учрайди, буёқда қонуний жазо бор. Аммо бошига туҳмат тошлари ёғилаётганларни ким ҳимоя қилади? Албатта, қонун. Чунки у ҳаммага баробар.Туман ҳокимининг муовини Аҳмад Боймирзаев ва ҳали иш бошлаганига кўп бўлмаган бозорлар бошқармаси бошлиғи Жуманазар Қаҳрамоновлар қонуний ҳуқуқларини талаб қилиб чиқишди. Бу ҳам кам учрайдиган, шу кун тақозосидан чиқадиган ҳодиса эди.

— Уларни порахўрлик ва талон-торожда айблаб, вилоят миллий хавфсизлик қўмитасига шикоят ёзган беш киши имзоларини тан олмади, — дейди туман прокурори Темир Саидов. — Уни фуқаро Парда Хушназаров ёзган экан. Фуқаронинг туҳмат ва адоват қўзғатиш мақсадида қилган мурожаати қонун талаблари асосида баҳоланади. Натижада Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 40-моддасига биноан жиноий иш қўзғатилди. Чироқчи туман суди шу йилнинг 24 апрелида бу ишни кўриб чиқиб, туҳмат қилганлиги учун фуқаро Парда Хушназаровга 600 сўм жарима солди. Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақидаги қонунда нотўғри, туҳматдан иборат мурожаатлар учун ҳам масъулият кўзда тутилган. Масалан, Аҳмад Яссавий номли хўжаликнинг Хушали қишлоғида истиқомат қилаётган О. Юсупова шартнома асосида ер олган, аммо мажбуриятларини бажармаган. Ер олиб қўйилгач, тинимсиз шикоят ёзишга тушди. 5 марта текширилди ва ер қонуний тарзда олинганлиги аниқланди. Юқоридаги қонунда сохта маълумотлар баён этилган текширишларга кетган харажатларни ундириш кўрсатилган. Шунга кўра, туман суди О. Юсуповадан ташкилотлар ўтказган текширишлар учун кетган 1845 сўмлик сафар- харажатларини ундириб олди.

Эрта тонгда хўжаликнинг ғаллазорлар чайқалиб ётган адирлар бағридаги идорасига келганимизда, илк учратган кишимиз бошқарув раиси Ибодулло Муродов бўлди. Ёши қирқ иккини қоралаган бўйчан ва жонсарак раис бир ярим йилдан буён иш бошида экан. Илгари «Коммуна» хўжалигида, туман қишлоқ хўжалик бошқармасида бош иқтисодчи лавозимларида ишлаган. Раисга бизга шикоят йўллаганлар иштирокида суҳбатлашиш истагини билдирдик. Хатга имзо чекканлардан бири — собиқ бош зоотехникнинг укаси Аброр Жумағулов идорага келди. Аммо таклиф қилганимизга қарамай, кетиб қолди.

— Мен илгари бош ветеринар эдим, — дейди Исмоил Эркаев. — Ишдан бўшагач, норози бўлдим. Аммо бу шикоят хатига имзо қўймаганман. Ҳозир ишлаяпман. Раисга даъвом йўқ. Ўзимиздан чиққан раҳбар, ишлашига имкон берайлик. Шикоят ёзиб юрган Парда Хушназаров эллдан уялса бўларди.

— Шикоят хатида нималар ёзилганини билмайман, —дейди Неъмат Бердимуродов. — Олтмиш еттига кирдим, ўглимга қарашли отардаги қўйларни боқиб юрардим. Ем-хашак йўқлигидан анча қуй нобуд бўлди. Бунда айбимиз йўқ. Чиқимга чиқарилган 46 бош қўйнинг ҳужжатини раис қабул қилмаганлиги учун шикоят хатига имзо қўйиб бердим. Талабим шу.

— Энди ўзингизни четга тортаяпсизми? — дейди Парда Хушназаров Неъмат Бердимуродовга қараб. Кейин бизга юзланди: — Ўтказилган текширишлардан норозиман, Тошкентдан келгани ҳам ҳамма нарсани ёпиб кетди. Раис менга дўқ қилди, қўйларимни бермади, хўжалик мулкини талон-торож қилаяпти.

— Мен шу жойда туғилиб-ўсганман, — дейди жамоа-ширкат хўжалиги бошлиғи Ибодулло Муродов. — Ўтган йил раҳбарликни қабул қилганимда аҳвол оғир эди. Суғориладиган ерлар оз, асосан лалми ерларда деҳқончилик қилинади. Ўтган йили ёмғир кам бўлиб, сув танқислиги туфайли ғалла яхши битмади, атиги 760 тонна дон олинди. Бу йил ғалла яхши, 160 гектар ерга пахта экканмиз. Насиб этса хўжалик қаддини кўтаради. Бунинг учун биринчи навбатда ҳисоб-китобни йўлга қўйиш керак эди. Биз ҳам шундай қилдик. Айниқса, чорвачиликда камомадлар кўп экан. Тафтиш чақирдик. Хўжалик мутахассислари иштирокида қўйлар саноқдан ўтказилди. Биргина Исмоил Бердимуродов (Неъмат аканинг ўғли) бош чўпон бўлган отардан 132 бош қуй кам чиқди. Табиий чиқимларни ҳисобга олдик, охири 46 бош қуй қолди. Агар прокуратура ҳужжатларни тўғри, деб топса, чиқим қабул қилинади. Парда бобо укаси Иноят Назаровга тегишли отар қўйларини боқиб юрган. Бош чўпон Иноят Назаров соғлиги йўқлиги туфайли ариза бериб бўшади. Чорвачилик шундай оғир аҳволга келганлиги аниқлангач, бош зоотехник ва бош ветврач ўз аризаси билан ишдан кетди. Менга қариндош бўлган бош иқтисодчи ҳам ишдан бўшатилди. Чунки биз 15 миллион сўм қарзи бўлган, тоза ўтириб қолган хўжаликни кўтармоқчимиз. Учтўрт кишидан бошқа кўпчилик қўллаяпти. Бу йил манфаатдорлик яна ошади. Фақат текшир-текшир ишга халақит бермоқда.

— Сеялка ўғриланганги, бировларга трактор бериб қўйилганичи? — дейди Парда Хушназаров. — Чўчқалар қаергa кетди?

— Чўчқалар зарар келтираётган эди, қаерга топширилгани юз карра текширилди-ку? — дейди раис асабийлашиб, кейин ўзини босиб олади. — Келинг айрим воқеаларга изоҳ берай. «Шудгор ўз вақтида ўтмади», деб ёзилибди. Аксинча, ўтган йили 1 октябрда ер ҳайдашни тугаллаб, қисқа фурсатда ғаллани экиб бўлдик. 4 та бузуқ ҳайдов тракторини далада созлаб, кечаю-кундуз ишлаб, шунга эришдик. Сеялка тўқсон бешинчи йилда Ёқуб деган киши оламдан ўтган кун ўғриланган, ҳали топилгани йўқ. Боқи Холлиёров деган кишига туман ҳокимлигининг қарори билан фермер хўжалиги тузганлиги учун ер ва трактор берилган экан. У киши оламдан ўтгач, ер қаровсиз қолди. Туман ҳокимлигига мурожаат қилдик, қарор бекор қилинди, энди ўша ерларга хўжалик пахта экаяпти. Тракторни хусусийлаштириш ҳақида ордер олинган, аммо хўжаликка пули келиб тушмаган экан. Тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз, ё пулини тўлайди ёки тракторни қайтариб оламиз. Шикоятдаги бу сингари фактлар неча бор текширилди, режали тафтиш ўтказилди.

Ҳа, ҳамма нарсанинг чегараси бор. Ёш учун ҳам, кекса учун ҳам. Ана шу чегара писанд қилинмаган жойда, ҳақсизлик, нотинчлик бош кўтаради. Текшир-текшир, шивир-шивир, миш-мишлар асабларни қақшатади, ишдан қолдиради. Ахир, неча бор тафтишлар ўтказилди? Юртбошимиз номига юборилган талон-торож юз бераётгани ҳақидаги телеграмма юзасидан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бош мутахассиси У. Шакаров атрофлича текшириш ўтказиб, қонун бузилишлар, хўжасизлик йўқлиги ҳақидаги хулосага келди. Газетага ёзилган шикоятга имзо қўйган, аммо биз билан суҳбатлашишдан қочиб кетган Аброр Жумағулов шу йилнинг 24 апрелидаги тушунтириш хатида: «...текширишдан розиман, бошқа шикоят ёзмайман»,деган экан. Энди сўзидан қайтиб, яна ёз-ёзга қўшилиб юрибди. «Тушунтириш хатидаги имзо меники, аммо нотўғри текширишди» — яна ўжарлик қилади Парда Хушназаров. Хўш, нега бунчалик кин, адоват?

Бу ўринда алоҳида воқеага дуч келаяпмизми? Йўқ. Фуқаро жамият олдидаги ҳуқуқ ва бурчларини унутиб қўйган, сувни лойқалаштиришдан манфаатдор одамлар бор жойдагина шундай воқеа юз беради. Бу хўжаликда яхши меҳнат қилган, ер ҳайдаган, дон сочган, ҳозир нафақада бўлган бир кекса кишини шикоят билан югуртириб, четдан томоша қилиб турганлар бор. Бу эса хавфли. Ишни барбод қилиб, ёш раҳбарнинг оёғидан чалишга уринаётганлар барибир элнинг нафратидан чўчишади. Аммо улар тараққиётни тўхтатишга қурбилари етмайди. Одамлар яхши ҳосил, демак, яхши турмуш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Ёш раҳбарга ишонишаяпти, умид қилишаяпти. Тўғри, хўжаликнинг бошлиғи Ибодулло Муродовни ҳам тўла оқламоқчи эмасмиз. У ҳақда туман ҳокими: «Ибодулло яхши мутахассис, ибратли ишлар қилаяпти, хўжалик оёққа тураяпти, аммо у раҳбарликнинг мураккаб санъатини тўла эгалламаган», деганда ҳақ эди. Вақти билан у бунга эришади, ҳали кўп катта ишларга бош бўлади. Шу мулоҳазалар охирида Парда бобо Хушназаровга дилимизда тўпланган баъзи туйғуларни изҳор қилгимиз келди:

— Бобожон, кексалик-ростгўйлик, поклик, кечиримлиликни бағрига жо айлаган донишмандликдир. Ҳадисда келтирилишича, пайғамбаримиз мўмин одам каби барглари тўкилмайдиган дарахт бор, деганларида шуларни кўзда тутган эканлар. Бунга амал қилинганда, умр дарахтининг барглари тўкилмайди. Сиз шу далаларда ноз-неъмат етиштириб келгансиз. Энди ёшлар ишласин, сиз маслаҳатгўй бўлинг. Баҳилнинг боғи кўкармас, дейдилар. Аҳиллик боғи завол топмас экан. Ватан ҳам юрак қонимиз, жону жаҳонимидан унган бемисл боғдир. Аҳил бир тану бир жон бўлсак, бу боғ абадул-абад яшнайди. Ишонамизки, булар сизнинг ҳам кўнглингиздаги гаплар. Гина-кудуратни унутинг. Соғ бўлинг, омон бўлинг...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Кеча Зимбабве пойтахти—Хараре шаҳрида тўртинчи Африка—Америка учрашуви очилди. Беш кун давомида 5 мингдан зиёд сиёсатчилар, бизнесменлар, фан ва маданият арбоблари «қора қитъада» тадбиркорлик ва маърифатнинг ривожланиш муаммоларини муҳокама қиладилар. Анжуманда Африканинг 25 давлатидан келган раҳбарлар, АҚШ ва Европанинг 300 дан зиёд йирик компаниялари бошлиқлари иштирок этишаётир. Ташкилотчиларнинг ҳисоб-китобига кўра бу учрашув Африка мамлакатлари иқтисодиётига қўшимча 2 миллиард доллар сармоя келтириши мумкин.

***

Софияда собиқ компартиянинг раҳбари Тодор Живков ўзининг хотира китоби босилиб чиқиши муносабати билан матбуот конференцияси ўтказди. 86 ёшли собиқ бош котиб ўзини мамлакатдаги энг кўп қарғиш олган раҳбарлардан бири, деб ҳисоблайди.

***

Улан—Удэ шаҳрида Россия олий суди раиси Вячеслав Лебедев Узоқ Шарқ ва Сибирнинг 22 ҳудудидаги судларнинг раҳбарлари билан кенгаш ўтказди. Кенгашнинг асосий мавзуи фуқаролик ва жиноят қонунчилиги ҳамда судларни ислоҳ қилишдир.

***

АҚШ энергетика вазири Фредерико Пенья амалий ташриф билан Москвага келди. У бу ерда халқаро энергетика саммитини ўтказишга бағишланган масалаларни муҳокама қилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Москвада ХХ халқаро кинофестиваль ўз ишини давом эттирмоқда. Айни пайтда асосий танлов бошланди. Ушбу анжуманда кўплаб мамлакатлардан келган режиссёрлар, артистлар, продюссерлар иштирок этишмоқда.

* * *

Германия Федератив Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги кўчманчилар ишлари бўйича парламент котиби Хорст Ваффеншмит кеча Россия пойтахтига келди. У тўрт кун давомида Россиядаги қадимий немис гуруҳлари вакиллари билан учрашади.

* * *

Яқин келажакда Германия ҳудудида агар пиво шишасига унинг инсон саломатлигига зарар етказиши мумкинлиги ҳақидаги ёзув қўйилмаса, уни сотиш ман этилиши мумкин. Бу ҳақда Куйи Саксония ижтимоий муаммолар вазири Вольф Вебер ахборот берди. Унинг таклифи федерал ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди ва яқин келажакда бутун мамлакат бўйлаб жорий этилиши мумкин.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

* * *

Жанубий Африка Республикаси ҳукумати «Ёлланганлар» билан савдо қилишни ман этувчи қонун лойиҳасини тайёрлади. Ушбу қонун лойиҳасига кўра бошқа мамлакатларнинг армияларида ёлланма хизмат қилувчиларга ўн йиллик қамоқ жазоси ва 150 минг доллар миқдорида жарима солинади. Аслида Жанубий Африкада ёлланма хизмат кўрсатиш катта фойда келтиради. Ёлланма аскарлар тайёрловчи фирмаларнинг йиллик айланма маблағи 25 миллион фунт стерлингни ташкил этмоқда.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Британиянинг «Санди Таймс» газетаси Япония шаҳзодаси Нарухито ва унинг хотини малика Масаконинг шахсий ҳаётига бағишлаб мақола эълон қилди. Бундан тўрт йил бурун уларнинг тўйи бўлиб ўттач, Япония матбуоти маликанинг хушахлоқ эканлигига катта баҳо берганди. Энди эса айрим матбуот вакиллари ташвишга тушиб қолишди. Чунки ҳозирча шаҳзода ва маликанинг фарзандлари йўқ. Демак тахт вориси ҳам йўқ. Малика Масако турмуш ўртоғидан ажралишни истамаяпти. Бироқ унинг пуштсизлиги сабаблари ҳам номаълум. Қирол оиласи эса бошқа ташвиш билан банд. Агар ворис ўрнига қиз бола туғилиб қолса нима қиламиз, дейишмоқда.

* * *

Саддам Хусайннинг ўғли Удай етти ой касалхонада ётиб, қўпгина операцияларни бошидан кечирган бўлса-да, баджаҳллигини ташламабди, деб ёзади «Санди Таймс» газетаси. У касалликдан тўла фориғ бўлишга улгурмай, ўз қўриқчисини отиб ташлади.

* * *

Ҳиндистонда янги Президент сайланди, деб хабар беради «Франс Пресс» агентлиги. 75 ёшли Кочерил Роман Нараянон юксак давлат раҳбариятида Шанкар Дайал Шарманинг ўрнини эгаллайди. Янги Президент 25 июлдан ўз фаолиятини бошлайди.



ТАБИАТ ГЎШАСИ. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

БУ САФСАТА ЭМАС

Сидней университети олимлари мусиқа ва автомобиль ҳайдаш ўртасидаги алоқани ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, «поп» ва «рок» усулидаги мусиқалар ҳайдовчиларни сергаклантириб, йўллардаги эҳтиётқорлигини оширар эмиш. Шу билан бирга агар мусиқа унчалик баланд бўлмаса, ҳайдовчига қўплаб фойда келтираркан. Агар мусиқа овози баланд бўлса, ҳайдовчи йўлтранспорт ҳодисаларига кўпроқ йўл қўйиши мумкин экан.

* * *

Америкалик олимлар инсондаги баджаҳллик унинг организмидаги химиявий моддаларга боғлиқлиги ҳақида маълумот беришди. Олимлар уч ёшдан йигирма ёшгача бўлган 135 нафар тарбияси оғир болалар ва ўсмирларни кузатишди. Маълум бўлишича, уларнинг танасида одатдаги болалардагидан кўпроқ миқдорда мис бор эмиш. Уларда рух кам экан. Агар инсон организмида рух ўрнига мис кўпроқ бўлса, у баджаҳл бўларкан. Айниқса, инсон спиртли ичимлик ва шакарни кўп истеъмол қилса, у ҳолда бундан ҳам баджаҳл бўларкан.

* * *

Париждаги Эйфель минораси вақтинчалик меҳмонлар учун ёпиб қўйилди. Маълумотларга кўра, таниқли америкалик ёзувчи Кристина Харви миноранинг хизматчилари ўз вазифаларини қойилмақом қилиб бажармаётганликлари ва меҳмонларга нисбатан қўпол муносабатда бўлганликлари ҳақида ёзганидан сўнг ана шундай ҳол юз берди. Минора раҳбарияти айбдор хизматчини аниқлаб уни тезда ишдан бўшатди. Бироқ, бошқа ходимлар раҳбариятнинг қарорини адолатсиз, деб баҳолашди. Улар Кристина Харви камчиликларни ошириб кўрсатган, деб ҳисоблашмоқда. Шу боис 180 ходимнинг 50 нафари иш ташлади.

САЁҚ ЭРГА БЕРИЛГАН ЖАЗО

МИССУРИ штати. Оилавий можаролар ишини кўриб чиқиш, унга жазо белгилашнинг ҳам «қонундан ташқари» минг бир йўли бор экан.

Канзас-ситида яшовчи «Суюқ оёқ эр»га судья берган жазо айнан шунга тўғри келади. Говард Стемилни кўпчилик, айниқса гўзал хонимлар Дон Жуанликда айблайди. Хотини София ўта рашкчи бўлмаса-да, ўзини кўпам ҳўрлатиб қўядиган аёллардан эмас.

У хотинбоз эрининг устидан судга шикоят қилди. «Эрим кайфи ошиб, кўчага —бева хотинларга кетиб қолади. Келгач яна уйда ур-сур қилгандан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Худди саёқ итдек кўчада тентираб «бева» санагани-санаган.

Негадир хотинининг гапига эр қаршилик қилмади. Судьяга «шундай» деб қўя қолди магрур кўкрак кериб. Судьяга унинг жавоб ёқдими-ёқмадими — бу фақат унинг ўзига аён. Фақат шундай ҳукм чиқарди:

— Модомики, сен ўзингнинг дайди-саёқлигинга иқрор экансан, сенга шундай жазо бераман. Хотининг уч ой сени бўйнингдан занжир билан боглаб, етаклаб юради. Дайди итни шундай қилиб, уйга ўргатадилар-да. Агар қаршилик қилсанг одамга лойиқ жазо бераман: уч ой муддатга озодликдан маҳрум бўлиб, қамоқда ўтирасан.

Эрга бўлса биринчиси маъқул тушди. «Харна бўйнимда занжир бўлса-да, аёл киши билан биргаман-ку», ўзига таскин берарди хотинбоз эр.

ОТАСИГА ПАНД БЕРДИ

ШВЕЙЦАРИЯ. Луганодаги қиморхоналарга балоғат ёшига етмаган болаларни йўлатишмайди. Тўғри қилишади. Оталарига минг карра яхши шуниси. Эрмин Ридер қиморхонадаги автомат ўйинидан 1,4 миллион ютди. Лекин унинг «ўйинини» қиморхонадагилар ноқонуний деб топишди. Чунки автомат ўйин дастасини 12 яшарлик ўғли ушлаб турган экан-да. «Балки бола»ўйнагандир», дея қиморхона хўжайини қаттиқ эътироз билдирди.

Гувоҳларнинг айтишича, 12 яшарлик Эрмин Фриц автомат «қулоғини» тасодифан «тортиб» юборганмиш. Омадни қарангки, айнан шу «ўйин»га ютуқ тикилган экан.

Отаси бўлса «майли, ўглим бу гал панд берган бўлса ҳам, келгусида қўли баланд келади, шекилли, «ўйин»идан кўриниб турибди» дея қиморхонадан бир пеннисиз чиқиб кетди.

КЎЗГА НУР ШИФОКОРЛАР

Халқаро ҳамкорлик

Мамлакатимиз пойтахтида ОРБИСнинг «қанотли» кўз тиббиёти шифохонаси уч ҳафталик фаолият дастурини якунлади. Офтальмология соҳасида тажриба алмашиш дастурида узбекистонлик 300 дан ортиқ кўз касалликлари бўйича мутахассислар малака оширдилар. Ўқув дастури Тошкент халқаро аэропортида жойлашган «ОРБИС ДС-10» реактив самолётига мосланштирилган шифохонада амалга оширилди. 12 мамлакатнинг 25 вакилидан иборат бўлган ОРБИС шифокорлари ўз ҳамкасбларига кўз касалликлари бўйича тўпланган тажриба билан ўртоқлашдилар, вилоятлардан келган беморларни операция қилдилар.

ОРБИС шифокорларида республика кўз касалликлари касалхонасидаги лазерли ташхис ва хирургия маркази фаолияти катта қизиқиш уйготди. Маълумки, 1995 йилда мамлакатимиз ҳукумати қўмагида очилган ушбу марказда шу кунга қадар 7 минг беморга ёрдам кўрсатилди ва 2 мингдан ортиқ операция амалга оширилди. Ушбу марказ жаҳондаги энг зўр ҳисобланган «Карл Цейс» ишлаб чиқаришига мансуб бўлган нодир офтольмология асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. ОРБИС мутахассисларининг эътиборини ана шу ускуналар жалб этгани бежиз эмас. Зеро, Цейс тиббиёт ускуналари касалликларга ўта аниқлик билан ташхис қўйиш имкониятини беради. Бу эса беморнинг тўлақонли соғайиб кетиши кафолатидир.

Шуни айтиш керакки, Марказий Осиёдаги биронта шифохона ҳам олий тоифадаги «Аргон» ва «Яг» каби лазер қурилмаларига эга эмас. Ушбу ускуналарда марказнинг иқтидорли ва ёш шифокорлари Умида Файзиева ва Диёра Юсупова муваффақиятли ишламоқдалар. Улар москвалик академик С. Н. Фёдоровнинг «Кўз микрохирургияси» шифохонасида ва Мюнхендаги кўз касалликлари касалхонасида малака оширганлар.

Шу боис ОРБИСнинг турли мамлакат шифокорларидан иборат жамоасига узбек ҳамкасбларни ҳам жалб этишган. Ўйлаймизки, истеъдодли шифокорларимиз ҳам ОРБИСчилар қатори инсон кўзига зиё бахш этаверадилар.

Алишер РЎЗИЕВ.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 22-iyul, seshanba № 85 (22.169).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

«СЕНИНГ ДАРДИНГ МЕНГА ДАРМОНДИН ОРТИҚ»

Санъаткорлар билан яқиндан танишиш болаликдаги энг улуғ ниятларимдан бири эди. Ҳозир ҳам улар билан суҳбатлашсам, дунё кўзимга янада кўркамроқ кўриниб кетади ва беихтиёр бу инсонларнинг ҳам сочлари оқарармикан, юзларига ажин тушармикан деб ўйлай бошлайман. Йўқ, санъаткорлар ҳам кексайишаркан. Кексайганда улар яна ҳам файзлироқ, фаришталироқ бўлиб қолишаркан. Назаримда, мен бу ҳақиқатни Ўзбекистон

1

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки сўм пластик карточкасини муомалага чиқарди. Сиз талаб қилиб олгунча омонат бўйича электрон пластик карточкасига эга бўлиб, қимматли вақтингизни тежашга пул маблағларингизнинг дахлсизлиги ва кўпайишига ҳамда барча товарларни харид қилишда туркум афзалликларга шароит яратган бўласиз.

Бу омонат бўйича ҳисоб варақасини очиш учун Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ва Миробод тумани Халқ банки бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 45-66-43, 78-53-63.

Спорт

СЎНГГИ УЧРАШУВЛАР

Кеча олий табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакатимиз миллий чемпионатининг дастлабки давраси сўнггги учта учрашуви ўтказилиб, довон ошилди. Мухлислар «Нефтчи» — «Навбаҳор», «Бухоро» — «Насаф», МҲСК — «Дўстлик» учрашувларининг шоҳиди бўлишди. Якшанба куни эса 6 та учрашув бўлиб ўтган эди: «Андижон» — «Янгиер» — 6:3, «Афросиёб» — «Чилонзор» — 1:0, «Суғдиёна» — «Пахтакор» — 1:2, «Трактор» — «Зарафшон» — 2:0, «Хоразм» — «Атласчи» — 3:1, «Косонсой» — «Сурхон» — 1:0. Андижонликлар навбатдаги ғалабадан кейин 17 очко билан олий табақа билан хайрлашишлари мумкин бўлган тўрт жамоа орасидан чиқиб олишди. Пахтакорчилар ҳам 32 та очко билан бешинчи ўринни эгаллаган ҳолда мавқеларини мустаҳкамлашди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 278-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда М.ШЕКВА номига берилган 031959 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Антиқа бола» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Арк-Крона» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «ФАС» хусусий корхонасининг думалоқ муҳри, тўртбурчак штампи, бухгалтерия ҳужжатлари ва 1995 йил 27 январда берилган № 006937 рақамли, 188-сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Санъат сарчашмаси

халқ артисти Ориф ҳожи АЛИМАҲСУМОВ билан суҳбатлашгач, яна бир марта кашф қилгандек бўлдим.

Одатда, санъат асарларининг умри узун бўлади. Бироқ меъмор ёки ҳайкалтарош меҳнатини вайрон қилиш, ноёб тасвирий санъат дурдоналарини ўғрилаб кетиш мумкин. Мумтоз куй ва қўшиқларимизга эса энг қасоскор ёв ҳам чанг сололмаган, сололмайди ҳам.

Чунки улар халқ тилига, кўнглига муҳрланиб қолган тирик тарихдир. Бу ўлмас асарлар тарихгина эмас, юртимизнинг, элимизнинг бугуни ва келажаги ҳамдир.

Биз куюниб гапирсак Ориф ака хотиржамлик билан жавоб берадилар:

— Устоз Юнус Ражабий бундан салкам қирқ йил илгари мақомчилар дастасини тузганларида биз бор-йўғи 16 киши эдик. Минг шукрлар бўлсинки, 6 та мақомнинг 180 та ашуласини ёздиришга улгурдик. Бу билан асрлар синовидан, аждодлар назаридан ўтган қадимий ва мумтоз санъатимиз юкини ортиб бораётган муқаддас аравага чизиқ тортиб қўйдик холос. Мен ўйлайманки, бу арава жуда узоқ йўлларни босади, ҳали кўп авлодларни кўради. Негаки, унинг йўли, йўналиши барқарор. Тарих шуни исботлаганки, ҳақиқий санъат асарининг қадри асрлар давомида сайқалланади холос, уларнинг оҳори ҳеч қачон тўкилмайди.

Ориф хожи Алимаҳсумов 13 ёшида қўлига соз олиб куйлаган. У кишининг фарзандлари Носиржон Алимаҳсумов эса 6 яшарлигидаёқ отасига ҳамнафас бўлишга интилган.

Кейинги йилларда яна бир ҳассос ҳофиз элимиз назарига тушди. У Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Бобораҳим Машраб, Насимий ва Ҳазиний сўзлари билан халқимиз ташна бўлган янги бир услубда (бу усулни қадимда хонақо йўли деб атаганлар) қўшиқлар ижро этаётган Носиржон Алимаҳсумовдир.

Сенинг дардинг менга дармондин ортиқ.
Сенга қул бўлгоним султондин ортиқ.
Сенинг номингни айтсам чўл ичинда
Бўлур ул чўл менга бўстондин ортиқ.

Ота изларига гул экаётган фарзандни суҳбатга чорлайман:

— Дунёда бедард одамнинг ўзи йўқ. Рассом чизаётган асарига тезроқ нуқта қўйишга ва уни мухлисларга кўрсатишга шошилади.

Шоир ўз китобларини тезроқ кўргиси, варақлагиси келади. Санъаткорнинг, хусусан, сизнинг профессионал дардингиз — орзунгиз нима?

— Руҳ, кўнгил куйдан, қўшиқдан қувват олади. Мен ҳам худо берган овозимни элимиз эшитса, эслаб қолса, соғинса дея орзу қиламан.

— Сиз илгари лирик қўшиқларни қиёмига етказиб ижро эттансиз. Мақом йўлларини болаликдан ўзлаштирган бўлишингизга қарамай, қўҳна мавзу ва усулдаги ашулаларни негадир яқин-яқиндангина куйлай бошладингиз. Бунинг боиси...

—Кексалар: «Тез битган ишда сифати бўлмайди» дейишади. Бу гапни қўшиқларга ҳам таққослаш мумкин. Мен яратганнинг назари тушган ҳазратларнинг сўзларини куйлаяпман. Бу муборак ғазалларга қўл уришим осон бўлгани йўқ, анча-мунча вақт, руҳий ва мусиқий тайёргарлик керак бўлди. Қолаверса, мақом ва биз қўл ураётган хонақо йўлларида узоқ ўтмиш, ота-боболаримизнинг ҳаёти мужассам. Шундай экан, бу қўшиқларни таваккал қилиб, шошма-шошарлик билан ижро этиб бўлмасди.

— Носир ака, сиз санъаткор хонадонида санъаткор бўлиб камолга етдингиз. Агар сир бўлмаса, отангизнинг қайси насиҳатлари қулоғингизга қўрғошиндай қуюлиб қолган?

— У киши менга ҳам ота, ҳам устозлар. Демак мен икки ҳисса қарздорман. Отам менинг муваффақиятларимдан ҳаммадан кўпроқ фахрланишга ҳақлидирлар. У киши ака-укаларим ичида менга сизлаб мурожаат қиладилар. Чунки отамни ҳам бувамлар сизлаган эканлар.

Отам менга: «Ўғлим тўғри сўзли бўлинг. Кўнглингиздан бахилликни чиқариб ташланг. Ҳар жойда ва ҳамиша камтарин бўлинг!» деб кўп таъкидлайдилар. Шу уч гапга ҳар доим амал қилишга ҳаракат қиламан.

—Санъаткорлар бир-бирларига уста, устоз деб мурожаат этсалар қулоққа жуда ёқимли эшитилади. Айтинг-чи, бу сўзлар ҳозир шунчаки сўз ёки мурожаат сифатидагина ишлатиладими ёки унинг таркибида таърифлаб бўлмас ҳурмат ва эҳтиром ҳам сақланиб қолганми?

— Бу сўзлар опа, ака деган сўзлардек жўнгина ишлатилмайди. Санъаткорлар ҳозир ҳам уста дейишга арзийдиган инсонларга нисбатангина қўллайдилар бу сўзларни. Булар энг самимий ибораларидир. Мен кимни уста десам тан бергинимдан айтаман, бошқа санъаткорлар ҳам шундай. Фаттоҳхон Мамадалиев, Турғун Алиматов, Шокиржон Эргашев, Абдуҳошим Исмоилов, Абулқосим Тўйчиев, Фахриддин Умаровларни устозларим деб биламан. Яқиндан бери Ғуломжон Ёқубовга ҳам уста деб мурожаат этадиган бўлдим.

—Сизга ҳам уста деб мурожаат этадиган хонандалар бўлса керак-а?

— Ҳа, Аҳрор Усмонов, Равшан Комилов, Салоҳиддин Азизбоев ва яна бир қанча хонандалар уста дейишади. Бу мурожаат мендаги масъулият ҳиссини ортишига ёрдам беради.

— Ўзингизни қайси лаҳзаларда жудаям енгил ва яхши ҳис қиласиз? Куйлаётганингиздами ёки...

— Қандайдир маънавий ёрдамим учун одамлардан раҳмат эшиттанимда ўзимни енгил ҳис қиламан, яна бир бор поклангандек бўламан. Ахир муборак китобларимизда ҳам «Яхшиликдан зўр ибодат йўқда» дейилган-ку!...

«Ўзбекистон овози» мухбири Замира ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди.
Абдулғани ЖУМА олган сурат.

2

3

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ»

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг». Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-31.

ЎзАСК "ЙЎЛОВЧИ" ҲЖ

Тошкент филиали

ГАЗ-24, ГАЗ-53, МАЗ. КамАЗ автомобилларининг кенг турдаги эҳтиёт қисмларини *таклиф этади.*

Автомобиль эҳтиёт қисмларининг 300 дан ортиқ тури мавжуд
Ҳақ тўлаш-пул ўтказиш ёки вексель йўли билан.

Манзилгоҳ: Тошкент, Ойбек кўчаси,47 Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс (3712) 54-76-31

«ҚЎҚОН ЁҒ - МОЙ»
ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1996 ЙИЛГИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

/минг сўм ҳисобида/

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромад (фойда)	Харажат (зарар)	Даромад (фойда)	Харажат (зарар)
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	010	395384		493681	
Қўшилган қийматдан олинадиган солиқ	020		60048		72322
Акцизлар	030		118136		114965
	040		3624		
Сотишдан тушган соф даромад	050	213570		306394	
Сотилган маҳсулот, товар, иш, хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	060		171039		257886
Сотишдан тушган пулнинг ялпи молиявий натижаси 050-060	070	42537		48508	
Сотиш харажатлари 26-1	080				
Маъмурий харажатлари 26-3	090		15276		16955
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлари ва харажатлари 26-4	100	1929	9970	1820	4655
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) 070-080-090-100	110	19220		28717	
Ассоциацияланган ва шўъба корхоналаридан олинган ва берилган заёмлар бўйича фоизлар	130				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар	135			3443	
Валютанинг курс фарқи	140				
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар бўйича даромадлар ва харажатлар	145				
Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ва зарар)	150	19220		32161	
Фавқулодда фойда ва зарар	160				
Умумий молиявий натижа фойдадан солиқ тўланмасдан олдинги (фойда ва зарар) 150-180	170	19220		32161	
Фойдадан солиқ (даромад)	180		10206		15475
Қуйидаги статьялар бўйича кўрсатилмаган бошқа солиқлар	190				2075
Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190	200	9014		14611	

Раҳбар НОСИРОВ О.
Бош ҳисобчи МАМАЖОНОВ С.

Ҳиссадорларнинг 1996 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши 1997 йил 29 июль куни соат 10.00 да ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 21.30
1 2 3 4 5 6.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА